

**Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига

Сув хўжалиги соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш – соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

2025 йилнинг октябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини 25 октябрга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I-II картотека топшириқлар рўйхати 5 сентябрь куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар “Ijro.gov.uz” тизимидаги қўшимча ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, 24 сентябрь куни вазир Ш.Хамраев имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 315 та топшириқ назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 72 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган ва 7 та топшириқнинг муддатини узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Раёсат баёнлари билан ижро муддатларини узайтириш маъқулланган.

Администрация раҳбарининг 42 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 381 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 52 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган.

Жорий йилнинг октябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган 146 та Президент топшириқлари, 78 та Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг барчасиси (100%) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

28 та Администрация раҳбари топшириқларининг 26 таси бажарилган ҳамда 2 таси бажарилмаган. Бугунги кунда ушбу топшириқларни назоратдан олиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 2025 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 733 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 493 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 240 тасида ҳам ижрочи.

Администрация раҳбарининг 63 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 28 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 35 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 141 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 86 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 55 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими